2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 89 (89), 2020 йил 22 май, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ИЛМ БИЛАН, АҚЛ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛСАК, ЯНАДА УЛКАН МАРРАЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, одамлар ҳаёти билан танишиш мақсадида 21 май куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Олтинкўл туманидаги "Кўҳна водий баҳори" фермер хўжалигида бўлиб, ғалла ва ғўза ривожини кўздан кечирди.

— Иқлим шароити юртимизга ўхшаш хорижий давлатларда пахтадан 70 центнергача ҳосил олишади. Қандай қилиб? Илм билан, ақл билан. Андижонда ер камлигини ҳисобга олиб, ундан икки карра самарали фойдаланиш зарур. Ишсиз, даромади етарли бўлмаган минглаб одамлар бор. Ишимизга ўшаларнинг кўзи билан баҳо беришимиз керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ғўза қатор ораларига соя экиш бўйича Андижон тажрибасини яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Фермер далага режа учун эмас, даромад учун кириши керак. Соя экилса, битта майдондан икки баробардан зиёд даромад олиш, яна кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш мумкин. Ундан олинадиган мой ҳам, омихта ем ҳам жуда сифатли, бозорбоп. Тўғри, бу қийин. Лекин қайси иш осон? — дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев.

Агротехнологияларни ривожлантириш мақсадида Тошкент давлат аграр университетининг Андижон вилояти филиали негизида қишлоқ хўжалиги йўналишида алоҳида олий таълим муассасаси ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

"Кўҳна водий баҳори" фермер хўжалигининг умумий ер майдони қарийб 76 гектар. Жорий йилда ғалланинг ҳар гектаридан 20, пахтадан 10 центнердан қўшимча ҳосил етиштириш режалаштирилган. Ғалла ҳосилдорлиги 81 центнер бўлиши кутилмоқда.

Фермер хўжалигида 60 киши доимий ва мавсумий иш билан таъминланган. Чорвачилик, асаларичилик йўлга қўйилган.

Шу ерда пахтачилик, ғаллачилик ва мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари қайта жиҳозланган автобусда ташкил этилган сайёр лаборатория билан ҳам танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги "ВБМ текстиль груп" МЧЖга қарашли экспортбоп тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхонада ҳам бўлди.

Ушбу корхонани барпо этиш учун икки йил олдин "Обод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги эски бино лойиҳа ташаббускорларига инвестиция киритиш шарти билан "ноль" харид қийматида берилган эди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эзгулик, саховат ва мурувват ойи бўлган муборак Рамазон ойи бу йил мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли **уйда, оила даврасида, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитида** муносиб ўтказилмоқда. Эл-юртимиз турли синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва қудратли бўлиб ўтган ҳолда, муқаддас Рамазон ҳайитини эртанги кунга катта ишонч ва хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Ушбу улуғ айёмнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни, унинг жамиятимизда сахийлик, шукроналик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **24 май — якшанба** кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2020 йил **24 май** Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг **карантин талабларига** мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 май

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "ЖАЗО МУДДАТИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **258** фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **16** нафари асосий жазодан озод этилади, **101** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, **24** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Шунингдек, **117** шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **7** нафарини **60** ёшдан ошган эркаклар, **1** нафарини аёл, **7** нафарини чет давлат фуқаролари, **164** нафарини тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

АДИБЛАР ХИЁБОНИ – АДАБИЁТИМИЗНИНГ БУЮКЛИГИ ВА БАРДАВОМЛИГИГА ШАҲОДАТДИР



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбони ўзига хос янги қиёфага кирди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва ғояси асосида бу ерда улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 8 гектардан зиёд майдонда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди.

Илгари бу ерда саноқли адибларимизнинг ҳайкаллари бор эди. Гўёки, Алишер Навоийдан сўнг истеъдодли шоирлар етишиб чиқмагандай таассурот пайдо бўларди.

Шу боис, Адиблар хиёбонини ғоявий-бадиий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида Бобур, Огаҳий, Бердақ, Муқимий, Фурқат, Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Тўлепберген Қайипбергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг сингари атоқли намояндалар хотирасига бағишланган янги ёдгорлик мажмуалари ҳам яратилди.

Адиблар хиёбонининг очилиш маросимида иштирок этган юртимиз ижодкор-зиёлилари ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



Президентимиз куни кеча Адиблар хиёбонига ташриф буюриб, бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашганида, аввало, ушбу қутлуғ масканнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти қандай бўлиши кераклигини аниқ-равшан тушунтириб берди. **"Бу жой халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига адабиётни, у орқали, маънавият, маърифат ва маданиятни олиб кирадиган табаррук даргоҳ бўлиши лозим"**, деб таъкидлади.

"Адиб" сўзи одоб, илм, маърифат ўргатувчи деган маъноларни англатади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, аввало, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшган улуғ устозларимизнинг муҳташам ҳайкаллари қад ростлаган, ҳар бир қадамида уларнинг донишманд нигоҳи, беғубор нафаслари сезилиб турадиган бу мўътабар масканга Адиблар хиёбони деб ном берилганининг ўзи жуда чуқур ҳаётий, илмий-фалсафий асосларга, маъно-мазмунга эга. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан бу жойни маърифат, маданият марказига айлантириш бўйича муҳим ташаббуслар, катта лойиҳалар илгари сурилаётгани эса хиёбонни ташкил этишдан кўзланган улкан амалий мақсад ва вазифалар ҳам борлигини англатади. Афсуски, биз кўпинча масаланинг айни шу жиҳатларини эътибордан четда қолдириб қўяётган эдик.

Давоми 3-бетда

Элчи Жон МакГрегор ўз маърузасида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида сўнгги йилларда самарали ҳамкорлик ривожланиб бораётганини юқори баҳолаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар ҳақида ижобий фикр билдирди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 22 май, 89-сон

ИЛМ БИЛАН, АҚЛ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛСАК, ЯНАДА УЛКАН МАРРАЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Бошланиши 1-бетда

Ўтган даврда қарийб ўн уч йил қаровсиз ётган мазкур иншоотда йирик ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар бунёд этилди. Ишчиларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилди.

Италия, АҚШ, Япониянинг замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилиб, 1200 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳани ишга тушириш учун 6,5 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4 миллион доллари тижорат банки кредитидир.

Президентимиз мазкур корхона мутахассис ва тикувчилари билан суҳбатлашиб, ишлаб чиқарилган тикувчилик маҳсулотларини кўздан кечирди.

— Авваламбор, сизларни яқинлашиб келаётган улуғ айём билан табриклайман. Бу фабрика андижонликларга ўзига хос туҳфа бўлибди. Биз учун ҳар бир иш ўрни муҳим. Бу ерда шунча хотин-қиз ишли бўлганидан жуда хурсандман. Тадбиркорларимиз жаҳон бозорларига чиқмоқда. Бу — дунёқараш ўзгариши, имкониятлар натижаси, — деди Президент.

МДҲ мамлакатлари билан шартномалар имзоланган бўлиб, йилига 27 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланган. Бу географияни кенгайтириш мақсадида Европа Иттифоқи давлатлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Мутасаддиларга пахта толасини қайта ишлашни чуқурлаштириб, қўшилган қиймат яратиш, корхоналарга қўшимча инвестициялар йўналтириб, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўзлаштиришга кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

Илгари вилоятда етиштирилган пахта фақат хомашё сифатида сотиларди. Бундан даромад 100 миллион долларга ҳам етмасди. Эндиликда қайта ишлаш ривожланаётгани натижасида жорий йилда қарийб 440 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. 2021 йилда бу кўрсаткични 527 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Шу ерда вилоятда 2020—2021 йилларда амалга ошириладиган инвестиция, тадбиркорлик ва кичик бизнес, ҳунармандчиликни ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Хусусан, жорий йилда 954 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Бунинг натижасида 68 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

"ВБМ текстиль груп" масъулияти чекланган жамияти томонидан Андижонда жинси шим ишлаб чиқариш, мато тўқиш ва бўяш корхоналари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Қиймати 30 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг ишга тушиши натижасида 2700 янги иш ўрни яратилади, йиллик 750 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Андижон аҳоли зичлиги энг юқори ҳудудлардан бири. Вилоятда ердан унумли фойдаланиш ҳисобига аҳолини уй-жой, иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш шароитини яхшилаш мумкин. Шу боис бу ерда собиқ ишлаб чиқариш майдонлари ўрнида турар жой мажмуалари қуриш ҳамда аҳолини уй-жой билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундан роппа-роса икки йил муқаддам — 2018 йил 20 май куни Андижон шаҳрида қад ростлаётган янги уй-жойларни кўрган эди. Мазкур ҳудудда бу масала долзарб эканини инобатга олиб, қўшимча турар жойлар қуриш бўйича топшириқ берганди.

Шу асосида шаҳарда жами 1 минг 798 хонадондан иборат 41 та кўп қаватли уй барпо этилди. Жумладан, бунёд этилаётган янги мавзеда ўтган йили йигирмата 7 қаватли, иккита 16 қаватли уй қуриб битказилди. Шу тариқа атиги уч йилда бу ерда илғор шаҳарсозлик андозаларига мос йирик мавзе пайдо бўлди.

Президентимиз ушбу мавзени бориб кўрди. 16 қаватли уйдаги хонадонлардан бирида бўлиб, оила билан суҳбатлашди.

"Ўзшаҳар қурилиш инвест" инжиниринг компанияси буюртмаси асосида "Хоқон Автоинвест" МЧЖ томонидан қурилган 16 қаватли уйлар Андижон шаҳри учун намуна бўлди. Лойиҳа қиймати 46,6 миллиард сўм бўлган уйлар Туркия технологияси асосида, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда яхлит темир-бетондан зилзилага бардошли қилиб қурилган. Бинонинг ташқи деворлари базальт материали билан қопланган. Интернет тармоғи, видеокузатув тизими билан таъминланган.

Хонадонлар электр плита, ошхона мебели, иситиш тизими ва иссиқ сув билан таъминлайдиган алоҳида қозонхона билан март ойида тайёр ҳолда топширилган. Ҳар бир уй иккитадан лифт билан жиҳозланган.

Мазкур уйлар ҳовлисида дам олиш ва спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, автотураргоҳ барпо этилган.

Янги уйларда шунча майдондаги бошқа лойиҳаларга нисбатан 2 баробар кўп хонадонлар жойлашгани маҳаллий шароит учун жуда муҳим. Шу боис хонадонларнинг нархи ҳам ҳамёнбоп.

Мазкур турар жойлар қурилиши шаҳарнинг ушбу қисмида урбанизация жараёнларини тезлаштирди. Аввало, кўп қаватли уйларда бирон-та сотилмаган хонадон қолмади, бу қурилиш суръатини оширди. Уйларга талаб юқорилиги боис ҳудудга саноат корхоналарининг қизиқиши кучайди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтириш тўғрисидаги қарори асосида ҳудудда тижорат уйлари ҳам барпо этилмоқда. Яна бир афзал жиҳати, бундай турар жой мавзелари боғча, мактаб сингари ижтимоий инфратузилмаси билан бирга қад ростламоқда. Бошқача айтганда, андижонликларнинг кўп йиллик орзу-ҳаваслари ушалмоқда.

Аҳолини турар жойлар билан таъминлашни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

— Камбағалликдан чиқишнинг энг асосий замини — уй-жой. Одамларнинг бошпанаси бўлса, ўзи ҳаракат қилиб, рўзғорини оёққа қўйиб олади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Туманлардаги аҳоли зич жойларга ҳам коммуникация олиб бориб, барча шароитларга эга кўп қаватли уйлар қуриш, замонавий қишлоқлар бунёд этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига сафари чоғида Марҳамат туманидаги "Водий ҳамкор агрофирмаси" томонидан ташкил этилган қуёнчилик кластери билан ҳам танишди.

1 гектардан зиёд майдонда ташкил қилинган мазкур кластер жорий йил 1 майдан ишга тушди.

Кооперация усулида 50 та хонадонга қуёнлар тарқатилиб, улардаги одамлар бандлиги таъминланди. Шунингдек, қуён терисини ошлаш ва теридан телпак тикиш цехида 20 та иш жойи яратилади.

Корхонага "Калифорния", "Янги Зеландия", "Фландер", "Рекс" ва "Великан" зотли 1000 бош қуён олиб келинган бўлиб, бир йил давомида улар сони 30 минг бошга етиши кутилмоқда. Бу ҳар бир қуён икки килограмдан тош босса, жами 60 минг килограмм парҳезбоп гўшт етиштирилади деганидир.

Қуёнчилик кластери томонидан бир йилда жами 3 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш, 150 минг долларлик экспорт қилиш режалаштирилган.

Айни пайтда вилоятда қуёнчилик йўналишида 58 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалар доирасида кооперация усулида хонадонларда қуён боқиш кўпайтирилса, экспорт ҳажми янада ошади.

Вилоятда омихта ем ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қуёнчиликни 1 миллион бошга етказиш бўйича вазифалар белгиланди.

Шу ерда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик корхоналари салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарига Ипотека банк томонидан Хитой технологияси асосида балиқ етиштириш лойиҳаси тақдим этилди. Одатда балиқчилик хўжаликлари бир гектар кўлда 3-4 тоннагача балиқ етиштиради. Мазкур интенсив усулда бир гектар сунъий кўлда 100 тоннагача балиқ олинди. Шунча ҳосилни етиштиришга бор-йўғи олти ой вақт керак бўлди.

Ушбу технология биофильтр, ультрафиолет ёрдамида соатига 200 тонна сувни тозалаб, кислородга бойитиб беради. Бир гектар ҳавзадаги сувни тозалаш учун 3 кун вақт керак бўлади. "Valliy Fish" МЧЖ томонидан Андижон туманида амалга оширилган ушбу тажриба ғоят самарали бўлиб, айни пайтда Улуғнор туманида 60 та тадбиркор 100 та Хитой технологиясини қўйишни бошлади. Бу ушбу интенсив усул ёрдамида вилоятда йил охиригача 10 минг тонна балиқ етиштириш мумкин деганидир.

Мазкур лойиҳа давлатимиз раҳбарига маъқул бўлди. Балиқчиликда Андижон технологиясини барча вилоятларда ҳам амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Яқин кунларда вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари учун Андижон туманида кўргазмали семинар ташкил қилиниб, балиқ етиштиришда Хитой технологияси ўргатиладиган бўлди.

— Андижонда чорва кам, гўшт бошқа жойлардан олиб келиняпти. Қуён, парранда, балиқ кўпайтирилиб, гўшти истеъмолга чиқарилса, вилоятда гўшт нархи тушади. Камбағал оилаларга тарқатилиб, кластерлар томонидан қайта сотиб олинса, уларга даромад бўлади. Иқтисодий комплекс ва сектор раҳбарлари шу билан шуғулланиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига сафари чоғида "Замонавий қишлоқ" лойиҳаси тақдимоти билан танишди.

Шу борада Пахтаобод тумани Бўстонобод қишлоғи ҳамда Қўрғонтепа тумани "Янги ҳаёт" маҳалласи учун дастлабки бош режа ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, қишлоқ ҳудудларга зарур муҳандислик коммуникациялари тортилиб, кўп қаватли уйлар қурилади. Улар, аввало, бир уйда кўпчилик яшаётган, муҳтож оилаларга берилади.

"Замонавий қишлоқ"да мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт муассасасидан ташқари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари, "Book cafe", мини-банк шохобчаси, спорт-кўнгилочар масканлар, автобекат, қўйингки аҳоли учун барча қулайликлар яратилади. Шу тариқа қишлоқларимиз ҳам келгусида замонавий, яшаш қулай масканларга айланади.

Президентимиз бу борада Андижон тажрибасини яратиш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиш, "Замонавий қишлоқ"даги уйларни бошқа турар жойларга нисбатан арзон қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда вилоятда камбағалликни қисқартириш, ипотека кредитлари асосида якка тартибдаги уйларни қуриш-таъмирлаш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳрида Digital City номли технопарк билан танишди.

Яқиндагина 5,6 гектар майдонда қуриб битказилган ушбу мажмуа ахборот технологиялари ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, дастурий маҳсулотлар экспортини йўлга қўйишга қаратилган. Ҳозирги кунда бу ерга туманлардан 328 нафар мутахассис жалб этилган.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан суҳбатда уларни доимий ўрганиш, изланишга чорлади.

— Жуда тўғри йўлни танлагансизлар. Бу — серқирра ва истиқболли соҳа. Сизлар бошқалардан 10-15 йил олдин юришларингиз керак. Энг долзарб йўналишлар бўйича дастурий маҳсулотлар яратиб, халқимизга ва хорижликларга қулай хизматлар кўрсатиб, ҳам оилангизга, ҳам жамиятимизга наф келтиришингиз мумкин, — деди Президент.

Технопаркда маҳаллий ёшлар, тадбиркорлар, янги ҳунар ўрганиш истагида бўлган фуқаролар учун кенг қулайликлар яратилган. Жумладан, коворкинг маркази, дата-центр, конференц-зал, кутубхона, инновацион лаборатория ва ўқув хоналари, бизнес инкубатор, медиа марказ, киберспорт хонаси ташкил этилган.

Туманларда ахборот технологиялари бўйича бошланғич ўқув курслари бўлади. Улардан танлаб олинган ёшлар Digital Cityда интенсив равишда инглиз тилига ўқитилиб, IT хизматлар кўрсатишга тайёрланади. Технопаркдаги 76 нафар тингловчига мўлжалланган залда йил мобайнида 2 мингдан ортиқ кишини ўқитиш мумкин.

Ахборот технологиялари ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, дастурий маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган Digital City лойиҳаси моҳиятига кўра, Тошкентдаги IT паркдан сўнг ташкил этилган иккинчи, вилоятлар миқёсида эса биринчидир.

Мажмуада ётоқхона ва ошхона ташкил этиб, шароитларни янада яхшилаш, бундай технопаркларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам очиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Digital Cityнинг мақсади ва вазифалари, унда яратилган шароитлар билан танишар экан, келаси 5 йилда Ўзбекистон учун ушбу соҳани ривожлантириш устувор вазифалардан бири бўлиб қолиши, ёшларни иш билан таъминлаш, иқтисодиётни жадал ривожлантиришда соҳанинг имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлигини қайд этди.

Шу ерда ёшлар бандлигини таъминлаш, мактаб битирувчиларини фриланс бозорига тайёрлаш борасидаги ишлар юзасидан ахборот берилди.

Андижонда ҳам узоқ-яқин туманларда фрилансерлик фаолияти, яъни масофадан туриб дастурлаш ва хостинг хизматлари кўрсатиш билан шуғулланаётган мутахассислар талайгина. Digital City ("Рақамли шаҳар") технопаркидаги коворкинг маркази уларнинг ишини осонлаштиради, техника, офис харажатларини қисқартиради. Бундан ташқари, марказда рўйхатдан ўтган дастурчилар жаҳон бозорига ўз хизмат ва маҳсулотларини экспорт қилиш, ҳамкорлар топиши осон кечади.

Жорий йил январь-май ойларида вилоятда қарийб 19 минг нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Йил охирига қадар яна 24 мингдан зиёд йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш бўйича манзилли режа ишлаб чиқилган. Жумладан, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби соҳаларда ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилади.

2019/2020 ўқув йилида вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 11-синфини 40 мингдан зиёд ўқувчи тамомлайди. Улар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра 12 мингдан зиёд ўқувчи олий таълим муассасаларида, қарийб 6 минг нафари техникум ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш, қолгани ҳарбий хизматга бориш, ҳунар ўрганиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида.

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида манзилли чора-тадбирлар ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги дастур доирасида йил давомида хотин-қизлар учун доимий иш ўринлари яратиш, субсидиялар ажратиш, ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилган аёлларга меҳнат гувоҳномаларини бериш орқали жами 10 минг 88 нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Давлатимиз раҳбари олий ўқув юртига киролмаган ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг қизиқиш ва лаёқатини ўрганиб, касбга йўналтириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари



ЕХҲТ ДОИМИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) доимий кенгашининг видеоконференция шаклида ўтган навбатдаги йиғилишида ташкилотнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, элчи Жон МакГрегорнинг 2019-2020 йилларда Тошкентдаги ваколатхона фаолияти тўғрисидаги йиллик маърузаси тингланди.

Онлайн тадбирда ЕХҲТ котибияти раҳбарияти, 57 иштирокчи давлатнинг доимий ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда мулоқот бўйича 11 та шерик иштирок этди.

Элчи Жон МакГрегор ўз маърузасида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида сўнгги йилларда самарали ҳамкорлик ривожланиб бораётганини юқори баҳолаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар ҳақида ижобий фикр билдирди.

Иштирокчилар идоранинг лойиҳавий фаолияти ва миссиянинг жорий устуворликлари билан яқиндан танишар экан, Ўзбекистонда бюджет маблағлари доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг юқори самарадорлигини қайд этди.

Шунингдек, элчи Жон МакГрегор коронавирус пандемияси туфайли Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар тўғрисида маълумот берди.

У Ўзбекистон раҳбарияти томонидан коронавирусга қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишлар, шунингдек, мамлакатнинг бу борадаги халқаро ва минтақавий ҳаракатларини алоҳида эътироф этди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг ЕХҲТдаги доимий ваколатхонаси вакили 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига мос келадиган лойиҳаларни амалга оширишда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси фаолиятини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро, минтақавий ва миллий даражадаги муҳим ташаббуслари ҳақида батафсил маълумот берилди. Ушбу ташаббуслар ЕХҲТ мақсадлари ва асосий вазифаларига тўлиқ мос келиши қайд этилди.

Видеоконференцияда Буюк Британия, Европа Иттифоқи, Канада, Қозоғистон, Норвегия, Россия, АҚШ, Туркманистон, Туркия ва Швейцариянинг доимий ваколатхоналари раҳбарлари сўзга чиқиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни тўла қўллаб-қувватлашини билдирди. Улар Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги натижалари ва даражасини олқишлади.

"Дунё" АА,
Вена

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС билан КАСАЛЛАНГАН ва СОҒАЙГАНЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ



Шу кунларда юртимизда карантин чекловлари босқичма-босқич юмшатилаётгани туфайли берилган эркинликни нотўғри тушуниб, баъзи ҳудудларда аҳоли заруратсиз кўчаларда юраётгани, карантин қоидаларига амал қилмаётгани каби ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Бу эса инфекция юқтириш хавфини янада кучайтирмоқда. Шунинг учун шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш, ижтимоий масофани сақлаш, қўлларни тез-тез ва яхшилаб ювиш, дезинфекция қилиш, тиббий ниқоб тақиб юришни одатга айлантириш каби қоидаларга амал қилган ҳолда инфекция юқишидан ўзимизни эҳтиёт қилишимиз зарур.

Мамлакатимизда даволаниш кўрсаткичи 81 фоизни ташкил қилмоқда.

Ҳудудлар номи	Касаллик аниқланганлар	Соғайганлар сони ва фоизи		Вафот этганлар
Қорақалпоғистон Республикаси	127	118	93%	
Андижон вилояти	175	163	93%	
Бухоро вилояти	442	440	99%	
Жиззах вилояти	3	3	100%	
Қашқадарё вилояти	6	6	100%	
Навоий вилояти	51	2	4%	
Наманган вилояти	253	219	87%	4
Самарқанд вилояти	294	178	61%	1
Сирдарё вилояти	Барча беморлар Тошкент шаҳрига ўтказилган.			
Сурхондарё вилояти	44	43	100%	1
Фарғона вилояти	158	157	100%	1
Хоразм вилояти	233	230	99%	
Тошкент шаҳри	1181	848	72%	6

АДИБЛАР ХИЁБОНИ — АДАБИЁТИМИЗНИНГ БУЮКЛИГИ ВА БАРДАВОМЛИГИГА ШАҲОДАТДИР



Бошланиши 1-бетда

Бир сўз билан айтганда, Адиблар хиёбони ҳамюртларимиз, айниқса, ёшлар шунчаки келиб айланиб, томоша қилиб кетадиган жой бўлиб қолмаслиги керак. У ўзининг номига ҳар томонлама мос равишда бой адабиётимиз ва маданиятимизни, бадиий сўз усталари бўлган азиз устозларимиз меросини тарғиб этадиган, эл-юртимизнинг маърифий савиясини оширишга хизмат қиладиган муқаддас гўшага айланиши лозим.

Албатта, жаҳонда ҳар бир халқнинг ўз миллий адабиёти ва маданиятини бамисоли кўзгудек акс эттирадиган боғлар, музейлар, кутубхоналар, санъат муассасалари кўп. Лекин айнан Адиблар хиёбони каби мамлакат пойтахтининг қоқ марказида, сўлим бир жойда, Ёзувчилар уюшмасининг улуғвор биноси ёнида жойлашган, у билан, бутун шаҳарнинг меъморий қиёфаси билан уйғунлашиб кетган маскан йўқ, десак ҳар жиҳатдан ўринли бўлади. Шу маънода, бу хиёбон ўзига хос ноёб ва бетакрор даргоҳдир. Бу ердаги ҳар бир ҳайкал адабиётимиз тарихида алоҳида бир воқеа бўлган, ёрқин из қолдирган табаррук сиймоларни акс эттиради. Ҳар бир монументал обида ўзининг бадиий-фалсафий жиҳатлари билан бизга буюк бир тарих, адабиёт ва маънавият ҳақида, қудратли миллий руҳ тўғрисида ҳикоя қилади.

Биз, ижодкорлар бу ерга келиб ўзимизга янги руҳ ва илҳом, маънавий қудрат оламиз. Оддий одамлар эса халқимизнинг буюк маънавий-маърифий жасоратини ҳис этишади. Шу маънода бу маскан ҳақиқатан ҳам жуда улуғ жой, маънавий-маърифий тарбия марказидир.

Буни барчамиз, айниқса, ижодкор зиёлилар қадрига етишимиз, шундай буюк фидойи ватандошларимиз, мутафаккир зотларимиз борлиги билан фахрланишимиз лозим. Айни вақтда Адиблар хиёбонини адабиётимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз ва маърифатимиз қадамжоси сифатида улуғлаб, унинг халқимиз, хусусан, ёшларимиз қалбида миллий ўзлик, ғурур ва ифтихор туйғусини, ватанпарварлик ҳиссини ошириш борасидаги роли ва қимматини юксалтириш, унинг фаолиятини янгича маъно-мазмун билан тўлдириш, бойитиш йўлида ҳали кўп меҳнат қилишимиз зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимизнинг Адиблар хиёбонида, буюк Алишер Навоий бобомиз ва бошқа улуғ адибларимиз ҳайкаллари пойида туриб, миллий адабиётимиз истиқболи учун куйиниб айтган гаплари барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Зеро, том маънода Адиблар хиёбони устозлар хиёбонидир.



Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори:



— Куни кеча Адиблар хиёбонига борганда жуда ҳайратландим. Унинг гўзаллигига маҳлиё бўлмасликнинг иложи йўқ. Ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги беш юз йиллик тарихи кафтдек намоён. 24 нафар буюк сўз санъаткорининг мис ва бронзадан қуйилган ҳайкаллари, улар атрофидаги сўлим боғчалар, киши таъбини қувнатадиган анвойи гуллар ифоридан завқланасиз, ўзингизни қандайдир фирдавсмонанд масканга кириб қолгандек ҳис этасиз. Боғни кезар экансиз, бежирим қўшкларга кўзингиз тушади. Ҳар бир ҳайкал атрофида бир кўшк, атрофи чаман. Ҳайкаллар орасидан ўтиб, юқорилай бошлайсиз.

Ўзбек адабиёти билан таниш бўлмаган одам бир айланишдаёқ адабиётимизнинг яловбардорларини эслаб қолади, ўзбек адабиёти тарихи ҳақида тасаввурга эга бўлади. Нимасини яширамиз, кўпчилик катталар бадиий асар ўқиш у ёқда турсин, ўз адиблари, ўзининг буюк адабиёти борлигидан ҳам бехабар эди. Маънавиятдан тобора узоқлашиб, чет эл маданиятига сиғиниш бошланганди. Ёшларни айтмасам ҳам бўлади. Президентимизнинг китобхонлик маданиятини ошириш сиёсати натижасида ёшлар китоб ўқий бошлади. Китоб мутолааси, адабиёт тарғиботига барибир ҳамма бирдек киришган, дея олмайман. Аммо бу боғни айланган ёшларда адибларнинг ҳайкаллари билан таниша туриб, уларнинг асарларини олиб ўқишга иштиёқ пайдо бўлишига ҳеч шубҳам йўқ. Уларга қўшилиб ота-оналар ҳам ўқий бошлайди.

Мукаммал меъморий ечимга эга бўлган Адиблар хиёбони очилишига барча ижод аҳли билан бирга олий таълим муассасалари ректорлари ҳам таклиф этилганди. Президентимиз суҳбатидан ректорлар бежиз таклиф этилмаганини сездик. "Адабиёт — халқнинг юраги ва маънавияти", деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Соҳавий йўналишидан қатъи назар, барча олий таълим муассасаларида ўзбек адабиётини ўқитиш, ўқув режасига Алишер Навоийга бағишланган махсус фан — "Навоийшунослик" фанини киритиш, адабий тўгараклар, театр-студияларни, ўзбек адабиёти намояндаларининг музейларини ташкил этиш, адибларга бағишланган фильмлар яратиш вазифалари белгиланди. Очиқ осмон остида аудитория — Адиблар хиёбони ҳамиша очиқ дарслар билан банд бўлиши, ёшларнинг қадами канда бўлмаслиги, энг асосийси, бу ердаги руҳ барча ёшларнинг қалбига сингишига эришиш ҳаммамизнинг бош вазифамиз бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланди.



Шуҳрат РИЗАЕВ,

"Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари:

— Бир томонда сиёсий, бир томонда иқтисодий масалалар ва бир тарафда синовли кунлар билан боғлиқ не-не муаммолар бўлиб турган пайтда давлатимиз раҳбари Адиблар хиёбонини очди. Қарийб йигирма тўрт ҳайкалдан иборат муҳташам бир адабиёт боғи пайдо бўлди. Бу нимадан дарак? Инсоннинг комил бўлиши учун унга нон ва сув қаторида қалбига таскин берадиган қалб малҳами ҳам керак. Шулар тўкис бўлгандагина инсон мукаммалликка эришади. Демак, хиёбонни инсон комиллигига хизмат қиладиган бир гўша, десак муболаға бўлмайди.

Ўтмишга назар ташласак, биз қайсидир даврларда сиёсий, иқтисодий жиҳатдан таназзул ҳолатларига юз тутгандирмиз. Лекин ҳеч қачон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳолатга тушганманмиз. Бунга ҳазрат Навоийдан, яъни адабиётимизнинг гуркираш давридан то йигирма биринчи асргача бўлган давр гувоҳлик беради. Қарийб олти асрлик адабиётимиз ҳеч қачон сўнмагани, мунтазам улуғ адиблар етишиб чиққани, халқимизнинг буюклигидан далолатдир. Адиблар хиёбони маънавий жиҳатдан ҳеч қачон қашшоқ бўлмаганлигимиз, аксинча, гуллаб-яшнаганимиз шаҳодатидир.

Мен бу хиёбонни кўнгил маскани, деб атагим келди. Чунки адабиёт аҳлининг энг асосий мулки — кўнгли. Кўнгил масканига, мана шу кўнгил мулкига аталган ёдгорликлар қўйилди. Чўлпон "Адабиёт яшаса, миллат яшайди", деган эди. Президентимиз эса "Адабиёт — бу халқнинг юраги", деган иборани айтди. Бу икки фикр бир-бирига шу қадар уйғун, муштарак келдики, миллат яшаши учун адабиёт керак, деган ғояни олдинга чиқарди. Тана аъзолари ичида энг муҳими юракдир. Президентимиз айтганидек, адабиётнинг борлиги инсоннинг тириклиги, миллатнинг уйғоқлиги белгисидир.

Айтиш керакки, бу ислоҳотлар аждодларга хизмат кўрсатиш орқали авлодлар қалбида боболарига нисбатан ҳурмат-иззатни барпо этмоқда. Демак, бу маскан аждодлар билан авлодларнинг муштараклиги, яхлитлиги,



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Ватан туйғуси, миллат туйғусининг бирлиги ҳамда ҳамжиҳатлигининг яққол намунаси бўлади.



Ботир УСМОНОВ,

Тошкент кимё-технология институти ректори:

— Бу хиёбон ажиб бир маърифат маскани бўлибди-ки, кирган инсонни ўзига ром қилади. Ҳазрат Навоий бобомиз ҳайкали атрофида атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкаллари яхлит меъморий ва бадиий композицияда жойлаштирилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биноси эса бу ҳамоҳангликни тўлдиради.

Хиёбонни кезиб, таниқли шоир, давлат ва жамоат арбоби Ибройим Юсуповга ўрнатилган ҳайкал қошида бир зум ўйга толдим. Ҳассос ҳайкалтарошларимиз улуғ шоир хотирасига, у орқали қорақалпоқ адабиёти ва халқига алоҳида эҳтиромини ҳам намоён этгани кўриниб турибди.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси бир неча хайрли ишларга қўл уришни ўз олдига мақсад қилган. Биз ишни Ибройим Юсупов ижод мактаби, ижодкорнинг юрти билан яқиндан танишиш учун у жойларга экспедиция уюштириш, мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари учун Ибройим Юсупов номидаги стипендия жорий қилишдан бошламоқчимиз. Шу билан бирга, институтда Ибройим Юсупов номи билан аталадиган ижод хонасини ташкил этиш ниятимиз бор.

Экспедиция жараёнида "Ибройим оға изидан" рукнида ҳужжатли фильм яратиш, оила аъзоларидан шоир ҳақидаги хотираларни муҳрлашни режалаштирдик. Ҳар йили бир маротаба илмий конференция уюштирилиб, шоир китоблари



мутахассислар, олимлар иштирокида таҳлил қилинади. Ибройим Юсуповнинг таваллуд куни муносабати билан "Ватанпарвар шоир" мавзусида онлайн танлов ўтказиш ва маълумотларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ҳам мўлжалимизда бор. Шунингдек, ҳар йили шоирнинг шеърий тўпламларини нашр қилиш орқали унинг ҳур Ватанга, юртга, халқига нисбатан меҳр-муҳаббатини талаба-ёшлар орасида кенг тарғиб этишни ният қилиб қўйдик.



Ботиржон СУЛАЙМОНОВ,

Тошкент давлат аграр университети ректори:

— Давлатимиз раҳбарининг куни кеча Ватанимиз пойтахтидаги Адиблар хиёбонида билдирган фикрлари юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг камолоти йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир далилидир.

— Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз, — деб таъкидлади Президентимиз.

Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очиқ дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича берилган тавсияларни университетимиз жамоаси ҳам мамнуният билан қабул қилди.

Хиёбон билангина чекланиб қолмай, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидлангани барча зиёлилар қатори бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклашини ҳис қилиб турибмиз.

Ҳозирданоқ университетимизда талаба-ёшлар ўртасида китобхонлик тарғиботини кучайтириш, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов ҳаёти ва ижодини кенг кўламда ўрганиш, адиб асарлари билимдонлари танловларини ўтказиш бўйича режаларни шакллантирдик. Университетимиз ва филиалларимизда иқтидорли талабалар учун Тўлепберген Қайипбергенов номидаги стипендия таъсис этилади. Шунингдек, таниқли ўзбек адибининг асарларини бошқа тилларга таржима қилиш ва китобларини чоп этиш ишларини амалга ошириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Китобхонлик тарғиботи ва мутолаа маданиятини кучайтириш, таниқли ўзбек адибининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш, асарларидаги қаҳрамонлар сиймоси талаба-ёшларни мустақил Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис қилиб тарбиялашга хизмат қилади.



Садриддин ТУРОБЖОНОВ,

Тошкент давлат техника университети ректори:

— Президентимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюриб, адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатишини таъкидлаб, бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш кераклигини айтиб ўтди. Шунингдек, Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очиқ дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсия берди.

Абдулла Қодирий ҳайкали Тошкент давлат техника университетига бириктирилди. Дарҳақиқат, ёшлар адабиётга қизиқса, наср ва назмнинг сир-саноатларини эгаллашса, адибларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганса, албатта, уларнинг қалбида ватанпарварлик ҳисси уйғонади. Шу маънода биз олдимизга бир қатор вазифаларни белгилаб олдик.

Аввало, Абдулла Қодирийнинг ҳаёти, ижоди ва меросига бағишланган электрон платформа яратишда талабаларнинг ўзларини жалб этамиз. Сабаби, ёшларимиз замонавий ахборот технологияларини чуқур билади. Портални ахборот билан тўлдириш жараёнида профессор-ўқитувчилар бошчилигида адибнинг ҳаёти, ижоди, мероси, фаолияти ҳамда унинг номи билан боғлиқ бўлган объектлар, адиб яшаган маҳаллалар, оқсоқолларнинг фикрлари ўрганилади.

Ёзувчининг очилмаган қирраларини очиш учун унинг оила аъзолари билан суҳбатлар уюштирилади. Асар ёзиш жараёнидаги борган жойлари бўйича экспедициялар уюштирилади. Шулар асосида Қодирийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган қисқа метражли ҳужжатли фильм тайёрланади.

Айтиш жоизки, бу каби жараёнда иштирок этган талабалар кўплаб маълумотга эга бўлади. Ёзувчининг бошидан ўтказганларини, ватан учун нималар қилиш мумкинлигини қалбан ҳис этади.

Шунингдек, ўқув жараёнида Абдулла Қодирийнинг асарлари, ҳаёти ва ижодига бағишланган мавзулар фан дастурларига киритилади. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда бу улуғ сиймонинг ижодидан кенг фойдаланилади.



Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган турли танловлар ва конференциялар, учрашувлар уюштирилади. Абдулла Қодирий номидаги стипендия ташкил этилади. Бу жараёнда ижодкор талабаларимизнинг назм ва наср машқларини тўплам ҳолида чоп этилади.

Шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, ижод мактаби ва уй-музейи билан кенг ҳамкорлик алоқалари ўрнатилади. Шу кунларда Абдулла Қодирий ижод мактабини оталикка олдик. Мактаб раҳбарияти билан таълим муассасасига рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қатор масалаларни келишиб олдик.



Авазбек МАНСУРОВ,

Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори:

— Ўзбекистон давлат консерваториясига шодлик ва бахт куйчиси, санъат ва мусиқа ошуфтаси Ҳамид Олимжондек серқирра ёзувчи руҳини шод этиш, ижодини кенг тарғиб қилишдек эзгу вазифа топширилганидан ғоят мамнунмиз. Кечанинг ўзидаёқ севимли ёзувчимиз, ардоқли шоир билан боғлиқ гўзал хотиралар, буюк ижод намуналари бир-бир тасаввуримда жонланар экан, биринчи галда, унинг неча йилларки қалбга яқинлигини йўқотмаган "Энг гуллаган ёшлик чоғимда" деган қадрдон сатрларини ёдга олдим. "Ўрик гуллаганда" шеърига басталанган, ёшу қари бирдек севиб ижро этиб келаётган гўзал қўшиқ қалбимда садо бераётгандек бўлди.

Университетимиз жамоаси билан шоир хотирасини гўзал тарзда ёд этиш, жуда кенг миқёсда тарғиб қилиш учун бир қатор ишларни мақсад қилиб турибмиз. Биргина юқорида айтилган қадрдон қўшиқлар танловини бутун республикамиздаги қўшиқ ихлосмандлари бўлган ёшлар ўртасида ташкил этишнинг ўзида қанча-қанча иқтидорлар кашф этилиши мумкин. Энг муҳими, ёшларимизда Ҳамид Олимжон ижодига қизиқиш уйғонади. Бундан ташқари, конференциялар, тадқиқотлар, унинг бой шеърияти, драматургияси асосида турли ўқувлар ташкил этишни ҳам кўзда тутяпмиз. Бу борада, айниқса, Ҳамид Олимжон номидаги ижод мактаби билан яқиндан ҳамкорлик қилишимиз мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Илмий мақолалар танло-



вини эълон қилиб, уларнинг энг саралларини Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Мусиқа" журналида чоп этиш, халқаро миқёсда тарғиб қилишни режалаштирдик.

Сунъий йўлдош архив маълумотларининг дастлабки таҳлили натижаларидан шу нарса аниқ бўлдики, Мўйноқ тумани яқин келажакда мамлакатимиз яйлов чорвачилигининг таянч ҳудудларидан бирига айланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 22 май, 89-сон

Инновация

ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИНИНГ “ЯЙЛОВЛАР ХАРИТАСИ”



Беҳзод ОДИЛОВ,
ЎзФА Ботаника институти катта илмий ходими,
биология фанлари номзоди

Мамлакатимизда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда алоҳида ўринга эга. Ушбу тармоқнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши 46,3 фоизни ташкил этади. 1991 йилдан буён мамлакатимизда қорамоллар сони қарийб 1,5 баравар кўпайган. Бу гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим омил бўлди.

Бироқ юртимизда яйлов ерларидан фойдаланишда чорвачилик иқтисодиёти ривожланишига сезиларли даражада таъсир қилувчи омиллар ва бошқа қатор сабаблар туфайли пайдо бўлган ерлар деградацияси оқибатида кескин экологик вазиятлар ҳам вужудга келди. Бу яйловлардан фойдаланишнинг барқарор моделига ўтишни, яъни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш негизида яйлов ресурсларини инвестицияга йўналтирилган ҳолда улар имкониятини мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Замонавий яйлов чорвачилигида унинг хусусиятлари тўғрисида ахборотнинг етишмаслиги хўжалик чорвачилигини бошқаришда бир қатор камчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу ўринда чорва молларини зарур мавсумда озуқага бой яйлов зоналарида боқиш, паст рентабелли, заҳарли ем-хашак ўтлари кўп бўлган ҳамда инқирозга мойил ва турғун шаклланмаган яйловлардан чекланиш ҳақида гап кетмоқда.

Президентимизнинг жорий йилнинг 31 январь куни республикамизнинг кўзга кўринган илм-фан намояндалари ва ёш олимлари билан математика, кимё, биология ва геология илм-фанини ривожлантириш масалаларида бўлиб ўтган учрашуви натижалари ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг қўллаб-қувватлаши асосида Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти олимлари республикамиз ўрмон фонди ерларидаги табиий яйлов ресурсларининг электрон-рақамли ва геоахборот тизимларига асосланган маълумотлар базасини яратишни бошлаб юборди. Бунинг учун Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги ерлари танлаб олинди.

Табиий савол туғилади: нима учун айнан Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги яйловларини инвентаризациялаш мақсад қилиб олинди? Албатта, бунга, биринчи навбатда, илмий ишларнинг қизиқарли жиҳатлари туртки бўлди. Қолаверса, Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудининг кенглиги бўйича Мўйноқ тумани Қўнғиротдан кейинги ўринда туради. Майдони қарийб 4 миллион гектарни ташкил этиб, туманнинг асосий қисмини ўрмон хўжалиги тасарруфидаги ерлар ташкил этади.

ОРОЛНИ ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЯ ОЛМАЙМИЗ!

Геоботаник олимларни энг кўп қизиқтирадиган жараён ўсимлик қопламида кечадиган ўз-ўзини тиклаш жараёнларини тадқиқ этиш ва унинг сирларини ўрганишдир. Орол денгизининг қуриган тубини табиатда ўз-ўзини тиклаш жараёнлари содир бўлаётган кенг майдон, деб айтиш мумкин. Экотизимнинг шаклланиш жараёнлари ва динамик тенденцияларини ўрганган ҳолда табиатдаги муҳим фундаментал қонуниятларни кашф қилиш мумкин.

Табиат шундай энтропия асосида ҳаракат қиладики, агар инсон табиатни “тинч” қўйса, антропоген таъсир натижасида экотизимда содир бўлган бирор-бир салбий ўзгаришлар ўз-ўзидан табиий жараёнлар асосида тикланиб боради. Агар Орол денгизи суви чекинган дастлабки ҳудудларга – Мўйноқ туманининг жанубий ва жануби-ғарбий қисмларига разм солсак, у жойларда муайян қонуниятлар асосида шаклланган турғун табиий ўсимлик жамоаларини кўриш мумкин ва бу жараёнлар ўта секинлик билан 30-40 йилда содир бўлади. Бироқ денгизнинг қуриган тубидан кўтарилаётган тузларнинг инсон саломатлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларига кўрсатаётган доимий зарарли таъсирлари табиий тикланиш жараёнларини тезлаштириш учун инсон аралашуви зарурлигини белгилаб берди ва шу аснода денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш ишлари жадал ташкил қилинмоқда.

“ЯЙЛОВ ХАРИТАСИ” БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Олиб борилаётган тадқиқотларда Орол денгизининг қуриган сатҳида турғун шаклланган ва шаклланишда давом этаётган яйлов хиллари устида узоқ муддатли мониторинг юритишнинг илмий асосларини яратиш ва Мўйноқ туманини яқин келажакда чорва маҳсулотлари ҳисобига ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган электрон-рақамли геоахборот маълумотлар базасини шакллантириш асосий мақсад қилиб олинган.

Тадқиқотлар якунида Мўйноқ давлат ўрмон хўжалигининг электрон-рақамли яйловлар харитаси, яйловлар сиғими харитаси ва яйловлардан мавсумий фойдаланиш хариталарини яратиш ҳамда яйловлар кадастрини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Тўғри тузилган ва кўп ахборотлар сақловчи яйловлар харитасини инсоннинг йирик чорвачилик ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятини бошқариш ёки чорвачиликни шакллантиришни қулайлаштириш имкониятига эга ёрдамчи, деб аташ мумкин. Унда туман ўсимликлар қоплами ва яйловларининг замонавий ҳолати тўғрисида барча зарурий ахборотлар жамланади. 3 турдаги яйлов хариталари ахборотлашишига кўра комплекс рақамланган характерга эга бўлиб, ўзаро фарқланса-да, бир-бирини тўлдиради ҳам.

Ушбу хариталар яйловларда боқиладиган чорва молларининг бош сонини аниқлаш, озуқавийлик қиймати юқори бўлган яйлов контурларини белгилаш ва бундай ҳудудларда чорва молларини боқишни ташкил этиш, мавсумий боқиладиган ҳудудларни аниқлаш ва самарадор локализацияни таъминлаш учун қулайликлар яратади. Бу эса келажакда йирик чорва комплекслари ташкил этиладиган Мўйноқ туманида чорвачилик базасини кенгайтириш имкониятларини баҳолаш ва замонавий чорвачилик менежментини ташкиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

МЎЙНОҚ ТАЯНЧ ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги ҳудуди ниҳоятда кенг бўлиб, уни белгиланган муддатда анъанавий тадқиқот усуллари билан ўрганишнинг иложи йўқ. Шунинг учун тадқиқотларга Ерни масофадан зондлашнинг замонавий усуллари ва инновацион методларини қўллаган ҳолда ўрганиш лозим топилган. Бу усуллар мажмуаси бугунги кунда табиатда кечаётган ҳар қандай динамик жараёнларни ўрганишда қўл келмоқда.

Сунъий йўлдош маълумотлари алоҳида аҳамиятга эга. Улар ўзида ўсимлик қопламининг ҳолати тўғрисида кўпгина фойдали ахборотларни сақлайди. Бу маълумотлар орқали тарихий даврларга ҳам назар солиш имконияти мавжуд. Уларни тегишли дастурлар ва ўсимлик қоплами индекслари орқали қайта ишлаш асносида фойдаланувчи ўзига керакли бўлган натижаларни осон олиши мумкин. Бу тезкор усулларни қўллаш яйловшунос олимларга вақт ва маблағни тежаш ҳамда дала экспедицияларидан олдин ишончли маълумотларга эга бўлишда муҳимдир.

Сунъий йўлдош архив маълумотларининг дастлабки таҳлили натижаларидан шу нарса аниқ бўлдики, Мўйноқ тумани яқин келажакда мамлакатимиз яйлов чорвачилигининг таянч ҳудудларидан бирига айланади. Жумладан, 1990-2019 йиллар оралиғида Оролнинг қуриган тубида ўсимлик қопламининг пайдо бўлиш динамикасида уларнинг шаклланишига мойил зоналарнинг юзага келиши юқори ижобий тенденцияга эга экани кўринди. Энг қизиғи эса Возрождения ороли ва унга туташ ҳудудларда Ўрта Осиё қумли чўллари тарихий флорасини ўзида намоён қилган жузғунзор ва черкеззорларнинг, гипли чўлларини ўзида ифода этган шувоқзорларнинг пайдо бўлганлигидир. Оролнинг қуриган тубида бундай ўсимлик жамоаларининг пайдо бўлиши ҳудудда турғун ўсимлик қоплами шаклланиши жадал кетаётгани ва бунда туз бўронларини тутиб қолишда муҳим аҳамиятга эга бутазор ва дарахтзорларнинг устунлик қилишини англатади.

Сир эмас, сув ресурсларидан хўжасизларча, келажакни ўйламай фойдаланиш натижасида Оролқум сахроси пайдо бўлди. Энди уни тиклаш имконсиз. Шунинг учун ҳозир Орол фожеаси салбий оқибатларининг атроф-муҳит ва инсон турмуш шароитига таъсирини камайтиришга асосий эътибор қаратилган. Оролбўйи ҳудудининг экологик инновациялар ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиниши нафақат мамлакатимизда кўп йиллик тажрибалар асносида шаклланган иқтисодий ислоҳотларни, балки жаҳонда қўлга киритилган илмий ишланмаларни ҳам Орол фожеасидан кўпроқ зарар кўрган Мўйноқ тумани иқтисодий-ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш ҳамда табиий экотизимларини қайта тиклаш жараёнларига сафарбар этишга туртки бўлди. Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида шўр ва иссиққа чидамли ўсимлик турларидан иборат ўрмонзорлар барпо этиш кўлами кенгаяётгани диққатга сазовордир. Ушбу тадбирлар самараси ўлароқ, яқин йиллар ичида жаҳон хариталарида шўрхоклик ва ботқоқлик деб қайд этилган унумсиз денгиз тубида янги мослашувчан экотизим барпо бўлади. Бу эса, ишонамизки, инсоннинг “табиат олдидаги қарзини қайтариш”нинг энг олий кўриниши сифатида эътироф этилади.





Мавсум

САМАРҚАНДДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз раҳбарлигида 2020 йилнинг 14 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида агросаноат тизими масъуллари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Унга асосан, ғалла ва пахта етиштиришда самарадорликни янада оширишга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Жумладан, ҳар гектар ҳисобидан мавжуд режага нисбатан пахтадан 10 центнер, ғалладан 20 центнер қўшимча ҳосил етиштириш кўзда тутилган. Бундан кўзланган мақсад бутун дунёда ҳукм сураётган коронавирус пандемияси оқибатларини бартараф этиш, аҳоли эҳтиёжларини сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

— Самарқандлик бободеҳқонлар жорий йилда 215 500 тонна пахта хомашёси тайёрлашни режалаштиришган, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси — “Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Нурмамат Турсунов. — Бундай улкан хирмон пахтакорларнинг меҳнати, пешона тери эвазига яратилади, албатта. Мавжуд 2 106 та фермер хўжалиги ва кластер корхоналари томонидан 75 580 гектар ерга ғўзанинг Султон, Бухоро-102, Омад, С-8286, Порлоқ-1 навлари экилган бўлиб, ниҳол тўлиқ ундириб олинган. Эндиги вазифамиз ғўза парваришида белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишдан иборат. Буни дилдан ҳис этган деҳқонларимиз баҳорнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Аммо муттасил ёғаётган ёмғир ҳамма вақт ҳам бунга имкон бермаяпти, она табиат деҳқонларимизни яна бир бор синовдан ўтказмоқда. Инсон ва табиатнинг ўзаро кураши сабаб деҳқоннинг иродаси, сабр-бардоши тобланмоқда. Чунки серёмғир кунлар ғўза ривожига салбий таъсир кўрсатиши тажрибадан яхши маълум. Оқибатда ғўзада эндигина 2-3 та чинбарг кўриниб, шоналаш даврида бажарилиши зарур бўлган агротехник тадбирлар кечикади. Намгарчилик орқасидан турли касалликлар, жумладан, илдиз чириш юзага келади.

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан ғўза парваришида агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши юзасидан кўргазмали семинарлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда иштирокчиларга ғўза экин майдонларидаги намни қочиришда чизель чуқурлатгичлар билан ишлов бериш, стимуляторлар асосида суспензия сепишнинг аҳамиятли жиҳатлари атрофлича тушунтирилмоқда.

Жумладан, Пайариқ туманида ўтказилган кўргазмали семинарда кластер корхоналари, фермер хўжаликлари ва муқобил машина-трактор парклари раҳбарлари иштирок этишди.

— Чигит экилиб, ниҳол тўлиқ ундириб олингандан кейин далаларнинг тупроқ шароити ва ғўза навларининг биологик хусусиятларига қараб яганалаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди “Пайариқ кластер” МЧЖ бош агрономи Алижон Облоқулов. — Яганалашнинг энг оптимал муддати ғўза ниҳолларида 1-2 чинбарг пайдо бўлган давр ҳисобланади. Ушбу муддат кечиктирилиб, 4-5 чинбарг даврида ўтказилса, пахта ҳосили 2-3 центнер, 6-8 чинбарг даврида ёки шоналаш давригача кечиктирилса, кўчат қалин бўлиб, ниҳолларнинг сув ва озиқадан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб, ҳосилдорлик 15-20 центнер камаяди.

Чизель чуқурлатгич билан ишлов берилганда ер нами тез қочади, илдизга қуёш ҳарорати, иссиқлик етиб боради. Шу сабабли пахтакорлар мазкур агротехник тадбирларни зудлик билан ўтказишлари лозим.

— Чизель чуқурлатгич билан ишлов беришда қатнашадиган механизаторлар учун ҳар гектар майдон ҳисобига 20 минг сўм иш ҳақи тўланиши белгиланган, — дейди Пайариқ тумани ҳокими ўринбосари Нурбек Равшанов. — Масалан, механизатор бир кунда ўртача 10 гектар пахта майдонига ишлов берса, 200 минг сўм ҳақ олади. Мавсумда қатнашадиган механизаторларга барча зарурий шароитлар яратилган. Қишлоқ хўжалиги техникалари учун даланинг ўзида техник хизмат кўрсатиш ташкил этилган бўлиб, ёқилғи-мойлаш материаллари узлуксиз етказиб берилмоқда.

Фаолият

ЯНГИ КЛАСТЕР *бу сафар балиқчилик бўйича*

Рустамжон ЭШОНОВ

Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги Жалақудуқ массивида балиқчиликка ихтисослашган хўжаликларни ташкил этиш ва фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида қисқа муддатларда интенсив балиқ етиштириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди. Бунинг учун 60 гектардан ортиқ фойдаланилмаётган бўш яйдоқ ерлар танлаб олинди ва тадбиркорларга ажратиб берилди.



Айни пайтда тегишли ташкилотлар томонидан ушбу майдонларни балиқчиликка мослаштириш, сув чиқариш ва электр тармоғини тортиб келиш мақсадида симёғочлар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

— Улуғнор туманининг ерлари шўр ва ҳосилдорлиги паст бўлгани сабабли улардан унумли фойдаланиш мақсадида интенсив усулда балиқ комплекслари ташкил қилишга қарор қилдик, — дейди “Андижон балиқ саноат” корхонаси раҳбари Муҳаммадали Пўлатов. — Экстенсив усулда ҳар гектардан 2-2,5 тонна ҳосил олинадиган бўлса, интенсив усулда бу 100 тоннадан 150 тоннагача зоғорабалиқ (сазан) етиштирш имкониятини беради. Бу жуда катта ер ва сувни тежаш, шунингдек, юқори ҳосил олиш дегани. Бундан келиб чиқиб, бизда вилоятимиз аҳолисини балиққа бўлган истеъмол талабини қондириш имконияти юзага келади.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон шароитида балиқ истеъмол қилишнинг минимал меъёр миқдори йилига бир киши учун 12 килограммни ташкил этади. Уч миллион нафардан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилувчи Андижон вилоятида ўтган йили 12 минг 576 тонна балиқ етиштирилган. Бу йил ушбу кўрсаткични 15 минг тоннага етказиш кўзда тутилган. Шу ҳолатда ҳам аҳоли жон бошига 7 минг 200 тонна балиқ етишмаётганини кўриш мумкин.

Маълумотларга кўра, вилоятда бир тонна балиқ олиш учун 30 гектар, бир йилга мўлжалланган балиқ етиштириш учун эса 4200 гектар ер майдонидан фойдаланилган. Уша пайтдаги ҳосилдорлик ҳар гектар ер майдонида 2 тонна 700 килограммни ташкил этган. Айни пайтда амалга оширилиши кўзда тутилган 60 та лойиҳа натижасида бир йилда 6 минг тонна балиқ олиш имконияти мавжуд. Интенсив усулнинг афзаллиги ҳам шунда.

Балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган янгича ёндашув бугунги коронавирус пандемияси даврида витаминларга бой мазали маҳсулотнинг кўпайишини таъминлайди. Эътиборли жиҳати, интенсив усулда балиқ етиштиришни мақсад қилганлар учун кредитлар ажратилмоқда. Давлат хизматлари маркази томонидан зарур ҳужжатларни саноқли дақиқалар ичида тақдим этилишига эришилянти.

Балиқчилик комплекслари ташкил қилиниши натижасида 300 нафарга яқин улуғнорликнинг бандлиги таъминланиши мумкин. Бундан ташқари, ҳудудда тадбиркорлар томонидан соғломлаштириш марказлари, спорт комплекслари, дам олиш масканлари ташкил этиш орқали балиқчилик соҳаси билан бирга, экотуризмни ҳам ривожлантириш кўзда тутилган.

Илм-фан



ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРМАСДАН БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТГА ЭРИШИШ МУШКУЛ



Ерости бойликларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, янги конларни ўзлаштириш ва захираларни шакллантириш геология соҳаси олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради. Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти директори, геология-минералогия фанлари доктори Анварбек Нурхўжаев билан суҳбатимиз соҳа олдида турган вазифалар, уларнинг илмий тадқиқи ва долзарб масалалари хусусида бўлди.

— Ҳозирги кунда давлатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини илм-фан тараққиётисиз тасаввур қилиш мушкул. Шу боис, мамлакатимизда илм-фан тараққиётига эътиборни кучайтириш, соҳани жаҳон андозаларига мос тарзда ривожлантириш, бюрократик юкламани енгиллатиш ва самарадорликни ошириш бўйича кўплаб қарорлар қабул қилиняпти, — дейди геология-минералогия фанлари доктори Анварбек Нурхўжаев. — Айниқса, ўтган йили "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши, жорий йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" деб номланиши ҳамда соҳани такомиллаштиришга оид вазифалар ижросини таъминлаш бўйича махсус қарорлар қабул қилиниши соҳага бўлган муносабатни тубдан яхшилашга хизмат қилмоқда. Бу ишлардан кўзланган асосий мақсад инсон омилига эътибор, илм аҳлининг самарали меҳнатини қўллаб-қувватлаш, фаолиятидан қониқиш ҳиссиётини туйишига кўмаклашиш, янгиликка интилиши ва турмуш даражаси барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Хусусан, бугунги кунда ер тўғрисидаги фанлар соҳасида фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, соҳага инновацион усул ва технологияларни жалб этиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда 31 январь куни Фанлар академияси раҳбарияти, илмий-тадқиқот институтлари мутасаддилари, илмий ходимлар ва ёш мутахассислар билан математика, биология, кимё ва геология фанларини ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган учрашувида бир қатор вазифаларнинг қўйилиши ва улар ечимининг тавсия этилиши кўп йиллардан бери тўпланиб қолган баъзи жумбоқли масалаларни ҳал этишга хизмат қилди. Энг муҳими, илмий жамоатчиликда ўз фаолиятига танқидий баҳо бериш, янгича ёндашув, асосий эътиборни илмий изланиш ва лойиҳаларнинг самарадорлигига қаратиш ҳамда қулай илмий муҳит шаклланишига замин яратди.

Мазкур учрашув бўйича ишлаб чиқилган "йўл харитаси"га мувофиқ, шу йилнинг 6 февралида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Илғор технологиялар марказида геология соҳасида фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда уларга бириктирилган тармоқ вакиллари ва илмий натижалар истеъмолчилари иштирокида "Геология тармоғини ривожлантиришда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси" мавзусида "форсайт" тадбири ташкил этилди. Яъни соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшадиган, мутлақо янгича ёндашув — илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш боғламидан иборат мукаммал учлик пайдо бўлди. Бу учликнинг ҳар бир қисми баравар, мувозанатни сақлаган ҳолда фаолият юритиши соҳа бўйича етук, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади. Бу эса иқтисодий самарадорлик ва тараққиётни кафолатлайди. Зеро, геология соҳасини ривожлантирмасдан туриб, барқарор иқтисодиётга эришиш мушкул.

— Шу йилнинг 27 апрелида давлатимиз раҳбари геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва галдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди. Бу йиғилиш соҳа олимлари ва ходимлари олдига қандай вазифалар қўйди?

— Йиғилиш давомида охирги йилларда геология соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижроси муҳокама қилиниб, соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, геология соҳаси бўйича илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш, фундаментал, илмий, инновацион ва амалий тадқиқотларнинг аҳамияти таъкидланиб, йил якунларигача амалга ошириладиган ишлар кўлами, ҳудудларни геологик ўрганиш юзасидан топшириқлар берилди.

Эътиборлиси, давлатимиз раҳбарининг геология соҳасига бу қадар эътибор қаратиши, бир томондан, олим сифатида зиммамга ишончга муносиб бўлиш масъулиятини юкласа, раҳбар сифатида Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти илмий жамоасини бор имкониятлардан кенг фойдаланиб, янада фидокорона меҳнат қилишга, мавжуд билим, салоҳият ва тажрибани тўлиқ сафарбар этиб, қўйилган вазифаларни сидқидилдан адо этишга чорлайди.

Геология соҳасини ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида шу йил 18 февраль куни Давлат геология қўмитасининг Минерал ресурслар институти ва Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти илмий жамоалари билан саноат корхоналари, жумладан, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари раҳбарлари иштирокида

Ҳозирги кунда институт миқёсида амалга оширилаётган халқаро лойиҳаларнинг географиясини кенгайтириш, хусусан, Россия, Туркия, Япония, Германия ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда изланишлар олиб бориш бўйича таклифлар ўрганиб чиқилмоқда.

учрашув ташкил этилди. Ундан кўзланган мақсад илмий ишланмалар натижаларини саноат корхоналарига татбиқ этиш ва минерал хомашё базасини бойитиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эди.

Учрашув натижаларига кўра, ҳар икки институт билан саноат корхоналари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Энг муҳими, институтлар томонидан амалга ошириладиган, алоҳида саноат аҳамиятига эга бўлган илмий-тадқиқот ишларини шу саноат корхоналари томонидан молиялаштириш масалалари ҳал этилди. Бу институтларнинг молиявий аҳволи яхшиланишига олиб келса, саноат корхоналари фойдали қазилма конлари қазиб чиқаришда янги истиқболли майдонларга эга бўлади ёки янги технологик ечимлар асосида мавжуд конлардан олинаётган фойдали элементларга бойийди. Бу эса илм-фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга интеграциялашув жараёнини жадаллаштиради.

Яна бир илмий янгилик. Навоий кон-металлургия комбинати ташаббуси билан Марказий Қизилқум ҳудуди бўйича йирик фундаментал илмий лойиҳани молиялаштириш ишлари қўллаб-қувватланди. Ҳозирги кунда мазкур илмий лойиҳаларнинг ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, изланишлар йўлга қўйилди.

— Илмий муассасанинг ўтмиши ва бугунги фаолияти, уни айни палладаги даражага олиб чиққан омиллар хусусида сўзлаб берсангиз.

— Институтимизга ўз даврининг етук олими, давлат арбоби, Ўзбекистон геология соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган, жаҳон геологлари жамияти томонидан тан олинган, металлогения, петрология ва маъдан ҳосил бўлиш масалалари бўйича илмий мактаб яратган ўзбек ўғлони Ҳабиб Абдуллаев номи берилган. Ўтган йиллар давомида ва ҳозир ҳам илмий жамоадаги барча шу даргоҳга муносиб бўлиш учун масъулият билан фаолият юритмоқда.

Институт Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги геология соҳаси бўйича фундаментал изланишлар олиб бориладиган етакчи илмий даргоҳлардан биридир. Муассаса олимлари амалга оширган илмий изланишлар Марказий Осиё ҳудудидан ташқаридаги мамлакатлар олимлари томонидан ҳам эътироф этилган. Ҳозир юртимиз иқтисодиётининг мустаҳкам пойдевори бўлган фойдали қазилма конлари очилиши ва бу соҳадаги саноат корхоналари ривожида институт олимларининг муносиб ва салмоқли ҳиссаси бор.

Ўтган йиллар давомида институтда дунё миқёсида тан олинган илмий мактабларга асос солинган: петрология ва минералогия (академиклар Ҳ.Абдуллаев, И.Ҳамробоев, И.Исамуҳаммедов, Х.Боймуҳаммедов, Ф.Усмонов, О.Борисов, Т.Долимов), литология (академик В.Попов), минералогия ва геокимё (академик А.Уклонский), геофизика (академик Е.Бутовская), гляциология (академик Н.Корженевский) мактаблари шулар жумласидан.

Энг муҳими, шу илмий мактабларда амалга оширилган илмий анъаналар сақлаб қолинган. Олиб борилаётган илмий изланишларнинг аксарияти мамлакатимиз минерал хомашё базасини бойитиш, истиқболли фойдали қазилма конлари майдонларини белгилаш, маъданлашув қонуниятларини янгича дунёқараш асосида ўрганишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 сентябрдаги қарорига мувофиқ, институт Давлат геология қўмитаси тасарруфига ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад геология соҳасининг фундаментал ва илмий изланишларини ягона геология қидирув тизимига бириктириш ва олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жалб этишдан иборат эди.

Мазкур қарорга биноан, институтда бажарилаётган фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, илмий лойиҳалар самарадорлигини ошириш, соҳа йўналишидаги чет эл илмий муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириб, рақобатбардош ишланмалар яратиш ва жаҳон талабларига мос, юқори малакага эга илмий ходимларни тайёрлаш бўйича янги вазифалар белгиланди.

Ҳозирги кунда институт илмий жамоасида саккиз нафар фан доктори, ўн етти нафар фан номзоди ва фалсафа доктори (PhD) самарали изланишлар олиб бормоқда. Муассасанинг фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларида иштирок этаётган ёшларнинг улуши ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Жумладан, саккиз нафар ёш докторантурада, яна шунчаси мустақил тадқиқотчи сифатида ва ўндан ортиқ талаба ўқишдан ажралмаган ҳолда илмий жараёнда фаол иштирок этаётир.

Айтиш жоизки, яқин кунларгача илмий-тадқиқот институтларининг ҳисобот давридаги асосий фаолияти неча нафар фан доктори ёки фан номзоди (фалсафа доктори) диссертацияси ёқланган, яъни миқдорий кўрсаткич билан белгиланарди. Аксарият илмий диссертацияларнинг натижаларини, яратилган ихтироларни амалиётга жорий этиш муаммо эди. Бу борада кўпгина бюрократик тўсиқлар мавжуд бўлганини ҳам инкор этолмаймиз. Шу боис, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш даврийлиги узоқ эди.

Ҳозирги кунда бундай муносабатга чек қўйилган. Ҳар бир илмий ишланма, лойиҳа ёки диссертация самарали бўлиши, тижоратлаштирилиши расман белгиланган. Бу борада Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 14 июлдаги "Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим замин яратди.

Жорий йилда институт жамоаси томонидан амалга оширилаётган илмий йўналишдаги янгиликлардан бири, шубҳасиз, илм-фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши бўлди.

— Институт фаолиятида халқаро ҳамкорлик натижалари қай даражада аҳамият касб этяпти?

— Бир масала равшанки, илмий-тадқиқот институти қанчалик юқори нуфузга эга, илмий изланишлари кўлами кенг бўлмасин, агар у ўз қобиғи даражасидан ташқари чиқиб, жаҳон ҳамжамияти, чет элдаги соҳага тегишли ҳамкорларига эга бўлмаса, ҳозирги давр талабларига жавоб беролмайди. Бу айни ҳақиқат.

Мазкур ҳолатни тўғри англаган институт илмий жамоаси соҳа йўналишида баҳолиқудрат чет эллик ҳамкорлари билан халқаро илмий лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, 2013 йилда Хитой билан ҳамкорликда давлат дастури доирасида Тяньшань геологиясини ўрганиш бўйича Ўзбек-Хитой маркази ташкил этилди. Унинг фаолияти икки давлат геологлари ҳамкорлигида Тяньшань тизимининг геологиясини ўрганиш бўйича халқаро илмий семинарлар ташкил этиш, илмий ходимлар алмашиш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган. Ҳар йили институт ёш илмий ходимлари Хитой томони таклифига биноан "Марказий Осиё минерал ресурсларини ўзлаштириш технологияси ва минтақавий геологияси" масалаларига бағишланган конкурсда иштирок этмоқда.

Яна бир лойиҳа шуки, институтимизда Хитой Фанлар академиясининг Геомеханика институти ва Геофанлар университети билан биргаликда илмий-техник ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик доирасида ҳар йили нуфузли, юқори импакт факторли халқаро журналларда мақолалар нашр этилмоқда.

Галдаги вазифалардан бири Хитой Фан ва технологиялар вазирлиги тавсияси билан институтда ҳамкорликдаги аналитик лабораторияни ташкил этишдир. Бундан кўзланган мақсад Ғарбий ва Шарқий Тяньшаннинг тоғ-кон ҳудудларини мукаммал тадқиқ қилишдан иборат.

Институт тузилмасида Марказий Осиё давлатларида ягона бўлган гляциология (музлик ва қор қопламларини ўрганиш) бўлими фаолияти давом этмоқда. Мазкур бўлим илмий ходимлари нафақат минтақа давлатлари, балки дунё миқёсида иқлим ўзгаришини белгилашга ҳисса қўшяпти.

Швейцариянинг Қор ва қор кўчкисини ўрганиш институти ходимлари билан ҳамкорликда қўшма семинар-тренинглар ташкил этилган. 2016 йилдан Швейцария ҳамкорлик агентлиги ва Фрибург университети билан CATCOS (метеорологик қувватни тузиш ва кўпайтириш) халқаро лойиҳаси доирасида меморандум имзоланган ва ҳамкорликдаги ишлар йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда институт миқёсида амалга оширилаётган халқаро лойиҳаларнинг географиясини кенгайтириш, хусусан, Россия, Туркия, Япония, Германия ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда изланишлар олиб бориш бўйича таклифлар ўрганиб чиқилмоқда.

Институт ваколати доирасида устувор йўналишлардан бири — ер қаърининг геологик тузилиши, таркиби ва фойдали қазилма конлар шаклланишининг фундаментал тадқиқотлари асосида чуқур ер тузилишини ўрганиш, геологик-геофизик моделларини тузиш ва улар натижасида амалий геология масалаларини ечишга қаратилган илмий изланишлар салмоғи алоҳида ўрин эгаллайди.

Мазкур масалалар ечимини топиш, геология соҳасидаги илмий тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича мавжуд илмий мактаблар томонидан яратилган салмоқли илмий тўплам ва ҳисоботларни чуқур таҳлил қилиш орқали дунё геология фани олдида турган замонавий илғор ғоялар асосида фойдали қазилма конлари шаклланишининг янги назарияларини яратиш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш учлиги доирасида илмий лойиҳалар натижаларини тижорийлаштириш масалаларини тезкор ҳал этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришилади.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ суҳбатлашди.

Ҳуқуқ



ХОДИМ ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШГА МАЖБУРМИ?

Динора ОТАЖОНОВА,
Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири,

Муҳаммадамин КАРИМЖОНОВ,
кафедра ўқитувчиси



Кўпчилик иш берувчилар ишга кирмоқчи бўлганлардан соғлиғи ҳақида тиббий маълумотнома сўрайди. Шахс ишга қабул қилингач эса муайян бир даврда тиббий кўрикдан ўтиши шартлиги тушунтирилади. Табиий савол туғилади: тиббий кўрикдан ўтиш барча учун мажбурийми? Харажатлар кимнинг ҳисобидан қопланади?

Тиббий кўриклар юқумли ва паразитар касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик, шунингдек, касб касалликлари, заҳарланишлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

- **ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;**
- **олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;**
- **ногиронлар;**
- **меҳнат шароити ноқулай, тунги, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;**
- **озиқ-овқат саноати, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;**
- **умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ҳамда бошқа ходимлари.**

Иш берувчи мазкур тоифадаги ходимларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклардан ўтказилишини ташкил этиши шарт.

Иш берувчи ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ва ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 декабригача ташкилотдаги тиббий кўрикдан ўтказилиши керак бўлган ходимларнинг лавозим бўйича контингентини аниқлаши ва бу ҳақда белгиланган шаклда далолатнома тузиши лозим.

Иш берувчилар ходимларининг мажбурий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга жойлаш натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарли оқибатлар учун жавобгар бўлади. Тиббий кўриклар учун барча харажатлар иш берувчи ҳисобидан тўланади.

Тиббий кўриклар ташкилотларга тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, бундай муассасалар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ҳудуддаги даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган шахслар бошқа ишга ўтказилган тақдирда ҳам тиббий кўрикларни ўтказиш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Ҳамма ходимлар ҳам тиббий кўрикдан ўтишга мажбур эмас. Демак, бундай тоифадаги шахслардан ишга кириш чоғида ва кейинчалик ҳам соғлиғи ҳақида тиббий маълумотнома сўралиши ғайриқонуний. Чунки Меҳнат кодексининг 80-моддасига кўра, ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

ТИББИЙ КЎРИКДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ОҚИБАТИ

Тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимлар бўйин товлашга ҳақли эмас. Меҳнат кодексининг 113-моддасига кўра, ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ишдан четлаштирилган давр учун ходимга иш ҳақи ҳисобланмайди.

ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ САҚЛАНАДИМИ?

Меҳнат кодексининг 166-моддасига кўра, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этишда қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, лекин бу тўлов миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимларга уларнинг ишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида стационар тиббий муассасаларда текширувдан ўтадиган даври учун юқорида назарда тутилган кафолатлар берилади.

Яъни тиббий кўрикларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

Имом Бухорийнинг илм-маърифат йўлидаги буюк хизматлари бизларга, айниқса, илм йўлида юрган ёшларга ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 22 май, 89-сон

Тарих кўзгуси



ЯНГИЧА ЁНДАШУВ: МУЗЕЙГА ОНЛАЙН САЁҲАТ



Гулбаҳор ИЗЕНТАЕВА,
И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи директори

Айни пайтда мавжуд талабга кўра, карантин муддати тугагунга қадар Нукус шаҳрида жойлашган И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи ташриф буюрувчилар учун ўз эшикларини ёпган. Чунки пандемия шаҳримизнинг асосий туристик объектларидан бири бўлган музей фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

"Саҳродаги Лувр", "Шарқ маржони" номлари билан машҳур ушбу музей экспонатларига томошабинлар қизиқиши ҳамиша юқори бўлган. У миллий меросимиз, маданиятимиз ва санъатимиз тарихи ва уларни акс эттирувчи экспонатларни ўрганадиган ҳамда улар тўғрисида маълумотни тақдим этадиган асосий илмий тадқиқот масканларидан бири ҳисобланади.

Бугун юзага келган вазият музей фаолиятига бир қанча ўзгаришлар киритилишига сабаб бўлди. Айниқса, қизиқувчилар учун экспонатларни масофадан туриб, виртуал томоша қилиш ва маълумотлар олиш имконини берувчи кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий тармоқларда музей фаолияти ва тўплами ҳақидаги маълумотларни жам қилган расмий каналлар фаолияти йўлга қўйилди ва улар деярли ҳар куни янгиланмоқда.

Шунингдек, музейнинг 3D кўринишлари яратилган бўлиб, виртуал томоша қилиш учун махсус http://savitskiy.uz/ сайти ишлаб турибди.

И.Савицкий музейи ва Қорақалпоғистон телевидениеси ҳамкорлигида "Онлайн музей" дастури ташкил қилинган бўлиб, бунда музей тўпламига оид махсус онлайн экскурсиялар ташкиллаштирилиб, тасвирга олинмоқда ва телевидение, музейнинг расмий саҳифа ва каналларида мунтазам намойиш этилмоқда. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифа ва каналларда музей тўплами ҳамда тарихига оид ҳужжатли фильмлар, махсус видеороликлар жойлаштириб борилмоқда.

Музейнинг илмий тадқиқот фаолияти ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Ходимлар томонидан тайёрланган мақолалар онлайн конференцияларга жўнатилган ва яқин кунларда тўпламларда нашрдан чиқади. Россия Федерациясидаги "Мир музея" журналининг март ойи сонида И. Савицкий номидаги давлат санъат музейи ҳақида мақола нашрдан чиқди. Музейнинг катта илмий ходими, муаллиф В.Ким ўз мақоласида музей асосчиси Игорь Савицкий, унинг музей коллекциясини шакллантиришдаги фаолияти, музей тўплами ва бўлимлари ҳақида қизиқарли маълумотларни тақдим қилган.

Ҳозирги кунда музейда 2020 йилнинг режасига киритилган кўргазмаларни онлайн шаклда ташкиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2020 йил 18 май куни Қадимги Хоразм тарихий шаҳарларидан топилган археологик ашёлар ва ҳайкалтарошлик санъатига оид асарлар ва ички безак буюмларидан иборат "Меъморий безак санъати" кўргазмаси онлайн тарзда ташкил қилинди.

Бундан ташқари, музейда "Ёш тарихчи", "Ёш археолог", "Ёш гид", "Ёш ижодкор", "Ёш этнограф" клубларини онлайн тарзда йўлга қўйиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда ва мактаб ўқувчилари ҳамда талабалар танлаб олиниб, улар билан масофавий мулоқот олиб бориляпти. Музей илмий ходимлари томонидан ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув муассасаларида ташкиллаштириладиган маърузалар ҳам онлайн шаклда давом этмоқда.

Шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот технологиялари кўпгина соҳалар ривожига туртки бермоқда. Бу, албатта, жамоатчилик билан ишлашда катта имкониятлар бериб, ҳозирги замонга мослашишни талаб қилади. Шундай экан, бизнинг музей ҳам расмий веб-сайтини замонавий талаблар асосида янгилаши муҳимдир. Жаҳон музейларидан ўрнак олган ҳолда янгиланаётган ушбу сайтимиз 2020 йил июль ойида ўз фаолиятини бошлайди.

Маданият соҳасини халқ билан чамбарчас алоқасиз тасаввур қилиш қийин. Пандемия даврида Ўзбекистон музейлари жамият билан муносабатларда фаолиятнинг янги шаклларига ўтмоқда. Соҳага янгича нигоҳ, янги услуб ва ғояларни жорий қилишга бўлган талаб унинг фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш кўламини янада оширишга ундамоқда.

Мулоҳаза

АЁЛ, ОНА СЎЗИ ҲАМИША АЗИЗ

Мавлуда ҒАФФОРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти

Бугун биз мисли кўрилмаган воқеаларнинг гувоҳи бўляпмиз. Карантин инсонга умри, ҳаётини сарҳисоб қилиш, таҳлил ва тафаккур қилиш учун берилган вақт деб англаган ҳолда сабр, мулоҳазали бўлишга ундайди.

Инсон маънавияти, маданияти яна бир бор синовдан ўтмоқда. Биз аёлларга ҳозир кўп нарса боғлиқ.

Бизнинг Шарқ аёллари азалдан юксак эътироф этиб келинган. Шу эътибор ва эътирофга лойиқ бўлиб, ўзбек аёли шаъни, иффати, қадр-қимматини фақат ва фақат юксалтириш учун хизмат қилайлик. Биз учун бир синов даврида уйда қолиб, фарзандларимиз, набираларимизга панд-насиҳат бериш, биргаликда дарс қилиш, уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, эртак, ҳикоя, ибратли сўзлар орқали миллий қадриятларимизни сингдиришимиз учун берилган вақт, деб тушунайлик. Агар боланинг илк тарбияси кўпроқ атрофидаги катталардан ўрганиш, ўқиган-эшитган эртак қаҳрамонларидан ибрат олиш асосида бўлса, ўсмир ёшига ўтишидан унинг онгу шуурида ҳаёт ҳодисаларига таҳлилий ёндашув уйғонади. Маърифат йўлида ҳар ким ўз иқтидори, истеъдоди, қобилияти, интилишига яраша муайян даражага эришади. Ўзбек халқи қадим-қадимдан ўз ҳаёт фаолиятида катталарга ҳурмат, камтарлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, бағрикенглик, софдиллик сингари ахлоқий фазилатлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Бундай фазилатлар миллий урф-одат ва анъаналарда, кундалик ҳаёт тарзи, миллатлараро, динлараро муносабатларда, умуман, маънавиятда акс этган. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, улар олдидаги масъулият ҳиссини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади. Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олади.



Боланинг онги, асосан, 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди.

Афсуски, бугун мутахассисларнинг тавсияларига қарамай, карантин қоидаларига риоя этмаётган аёллар ҳам учраб турибди. Карантин қоидаларини бузган "қаҳрамонлар" ҳақидаги видео ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Уларнинг "қилмишларини" кўриб, дунёда бу тоҳдор вирус туфайли қанча инсонлар нобуд бўлаётган, бизнинг ҳам юртимизга соя солиб солиб турган бир пайтда ҳалиям инстаграмда ўзининг суратини кўз-кўз қилаётган, миллатимизнинг шаънига нолойиқ бўлган қизларнинг суратини кўриб, шулар бизнинг миллатданми, шуларми бизнинг келажагимиз, биз келажак авлод тарбиясини шуларга ишониб топширамизми, деган фикрлар ҳар бир маънавиятли, масъулиятли инсонни ларзага солади. Аёлни оила қўрғони, устуни, деймиз. Бундай нохуш ҳолатларда оилада аёлларнинг тафаккурини бойитиш, қизларимизни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бугуннинг долзарб вазифаларидан эканлиги намоён бўлмоқда.

Пандемия ва карантин билан боғлиқ мавжуд қийинчиликларга қарамай, халқимиз тушкунлик ва саросимага тушгани йўқ. Мамлакатимизда фаолият юритаётган бирор тизим тўхтаб қолмади. Ақлий меҳнат, таълим-тарбия билан боғлиқ фаолият турлари масофадан туриб, онлайн режимда олиб борилмоқда. Онлайн топшириқлар, онлайн конференциялар, ҳужжатлар билан онлайн ишлаш самарали эканини ҳаётий тажрибада кўриб турибмиз.

Энди кўп нарса ўзимизга боғлиқ. Бизнинг янги реалликка, эҳтимол бир неча ҳафталар сақланиб қоладиган ҳолатга кўникишимизга тўғри келади. Вируснинг хатарли томони унинг юқумли экани, кутилмаганда ҳамла қилиб йиқитиши, бизни яқинларимиздан жудо қилиши, айриликка гирифтор қилишидадир. Агар ҳар биримиз шахсий интизомни намоён қилиб, ўз бурчимизни масъулият билан бажарсак, қисқа фурсатларда мураккаб вазиятдан чиқиб, биргаликда бу муаммони енга оламиз ва ғолиб бўламиз.

Рамазон мутолаалари

Имом Бухорий "Саҳиҳ ал-Бухорий" асарини қайси шаҳарда ёзгани тўғрисида ҳам кўплаб фикрлар бор. Жумладан, муҳаддиснинг ўзидан ривоят қилинган манбаларда, муаррих Тожиддин Субкий "Табақот" асарида: "Имом Бухорийнинг "Мен Басрада беш йил турдим, "Саҳиҳ" китобим ўзим билан бирга эди. Ҳар йили ҳаж ибодатига бориб, яна Басрага қайтиб келдим ва шу ерда китобимни ёздим. Ҳар борганимда Аллоҳ таолодан бу китобларимни мусулмонлар учун баракали қилишини умид қилдим", деган маълумот келтирилади.



ИМОМ БУХОРИЙ БУЮКЛИГИНИНГ СИРИ НИМАДА?

Ёхуд "Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ" асари қайси шаҳарларда ёзилган?

Шукрулло УМАРОВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари, ҳадисшунослик ихтисослиги бўйича фалсафа доктори

Муҳаммад ибн Бужайр Имом Бухорийдан: "Мен "Жомиъ" асаримни масжид ал-Ҳарамда ёздим. Асарга ҳар бир ҳадисни киритишдан олдин икки ракаат намоз ўқиб, Аллоҳдан хайрлисини сўрадим", деган фикрни келтирган. Абу Фазл ибн Тоҳир эса муҳаддис асарни Бухоро шаҳрида ёзганини айтади: "Саҳиҳ маълумот шуки, Имом Бухорий "Саҳиҳ" асарини Бухорода ёзган". Имом Бухорий илм сафарида бир жойни лозим топмай, турли ўлкаларни кезган, илм-маърифат марказларига бориб, улуғ муҳаддислар ҳузурида бўлган. Муҳаммад ибн Абу Ҳотамдан: "Имом Бухорий айтади: "Мен ҳадис ёзиб олган устозларнинг фақат ҳадис илмида етук бўлганларининг ўзи саксон минг киши эди".

Муҳаддис ўз асарини қайси маконда ёзмасин, албатта, унинг таснифига катта эътибор қаратган. Унинг одати ҳар бир асарини уч мартадан — аввал қораламасини ёзиш, кейин саралаб оққа кўчириш ва таҳрир қилишдан иборат бўлган. Бу ҳақда унинг шогирди ва котиби Муҳаммад ибн Абу Ҳотам бундай дейди: "Мен Имом Бухорийдан эшитдим, у киши "Мен барча китобларимни уч мартадан ёздим", деган эди".

Ҳофиз Абу Фазл ибн Тоҳир айтади: "Имом Бухорий "Саҳиҳ" асаридан олдин "Мабсут" номли асар ёзган ва барча ҳадисларни унга тўплаган. Кейин диққат билан ҳадисларни санади, матни, ровийсини текшириб, энг саҳиҳларини танлаб "ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ" асарини ёзган". Бу фикрдан келиб чиқиб, муҳаддиснинг "Мабсут" номли асари ҳам бўлгани ва ундан шоҳ асари "Саҳиҳ"ни ажратиб олганлиги маълум бўлади.

Имом Бухорий мазкур асарини Мадинада Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қабрлари ёнида ёзганлиги тўғрисида ҳам манбаларда баён этилган. Абу Аҳмад ибн Аъдий: "Кўплаб машойихлар бундай дедилар: "Имом Бухорий "Саҳиҳ" асарини Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қабрлари ва муборак минбарлари ўртасида туриб таълиф этган. Ҳар бир ҳадисни ёзишда Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳақларига саловат айтиб, Аллоҳ таолога икки ракаат намоз ўқиган", деди".

Имом Бухорийнинг "Саҳиҳ ал-Бухорий" асарини ёзиши ва унинг қайси маконда бўлгани тўғрисида турли манбаларда ҳар хил қарашлар келтирилди. Муҳаддис ва муаррихларнинг маълумотига асосан, асар Макка, Мадина, Басра ва Бухорода ёзилган. Муҳаддис ўзининг кўп йиллик илмий сафарида бир жойда муқим туриб яшамаган. У жуда кўплаб илм-маърифат марказлари бўлган шаҳарлар — Бухоро, Балх, Марв, Макка, Мадина, Бағдод, Басра, Куфа, Найсабур, Рай, Асқалон, Фустот, Восит, Кеш, Самарқанд каби шаҳарларда илм талабида бўлган. Имом Нававий айтадики: "Имом Бухорийнинг "Саҳиҳ" асари Макка, Мадина, Басра ва Бухорода ёзилгани тўғрисида келган барча хабарлар саҳиҳ ва ҳақиқат бўлиши мумкин. Чунки муҳаддис асарни ўн олти йил давомида ёзган ва бу вақт орасида бу шаҳарларда бўлган".

Ҳажар Асқалоний ўзининг "Ҳадйи-с-Сорий" асарида "Саҳиҳ" асарининг ёзилиши тўғрисида бундай маълумотни келтиради: "Имом Бухорий Маккада "Саҳиҳ" асарини мундарижаси, тартиби ва унинг бобларини тузиб чиқиб, шу муборак шаҳарда бошлаган. Асарнинг ёзилиши ўн олти йил давом этиб, Мадина, Басра ва Бухоро шаҳарларида ҳам бўлган бўлиши ҳақиқатга яқиндир".

Имом Бухорий "Саҳиҳ ал-Бухорий" асарини узоқ йиллар давомида ёзиб бўлгач, устозлари ва ўз даврнинг буюк муҳаддислари саналган Али ибн Маданий (в.й.234/847), Яҳё ибн Муйин (в.й.233/843) ва Аҳмад ибн Ҳанбал (в.й.241/854)ларга кўрсатиб олган. Бу муҳаддислар асарни кўриб чиқиб, "Китобингизда келган ҳадисларнинг барчаси саҳиҳ", деб эътироф этишган. Яна бир бошқа манбада "Китобингизда келган ҳадисларнинг барчаси саҳиҳ, фақат тўртта ҳадиснинг саҳиҳлиги тўғрисида ихтилоф бор", дейишган. Имом Бухорий бу ҳадисларнинг ҳам саҳиҳлигига ҳужжат келтиргани манбаларда баён этилади.

Ўзининг буюк салоҳияти, кучли ҳифзи, илм йўлидаги шижоати билан тарих саҳифасида "Имом Бухорий Аллоҳнинг ердаги мўъжизаси", "У соҳилсиз денгиз", "Муҳаддислар имоми", "Ҳадис илмининг султони" деб эътироф этилди.

Имом Бухорийнинг илм-маърифат йўлидаги буюк хизматлари бизларга, айниқса, илм йўлида юрган ёшларга ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, "Имом Бухорий буюклигининг сири нимада?" деган саволга ҳам жавобни муҳаддиснинг илм йўлида қилган қуйидаги меҳнатларида кўришимиз мумкин бўлади:

- илм олишда бардавомлик, холислик ва покиза ниятли бўлиш;
- устозлар ўгити ва уларнинг маслаҳатини олиш;
- ҳар қандай машаққатга сабр ва бардошли бўлиш;
- аввал илмни ҳосил қилиб, кейин сарфлаш (китоб ёзиш ва шогирдларга ўргатиш);
- илм йўлида сафар қилиш, кўплаб олимларнинг суҳбати ва илм мажлисларида иштирок этиш;
- ҳар бир ёзилган китобни уч марта қайта кўриб таҳрир қилиш ва тайёр бўлгандан кейин уни ўзидан устун кишиларга кўрсатиб олиш;
- ўрганган илм билан холис илм-маърифат учун хизмат қилишни орзу қилиш ва унинг барокатини сўраб дуода бўлиш;
- соф эътиқод, чиройли ахлоқ ва одоб соҳиби бўлиш;
- дунё роҳати ва ҳар хил беҳуда амаллардан узоқлашиш.

Албатта, инсоннинг юксак даража ва мақом топиши ўзининг тинимсиз меҳнати ва холис ниятига қараб бўлади. Имом Бухорийнинг ибратли ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш, ёшларимизда илм-маърифатга бўлган қизиқишни юксалтириб, уларни юксак маънавиятга тарғиб этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1321.
42644 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 03:25 Топширилди — 04:20 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15